# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 64 (8.648) ◆ 1995 йил 5 июнь, душанба ◆ Сотувда эркин нархда


# ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

2 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаҳон банкининг минтақавий ваколатхонаси раҳбари Парвез Ҳасанни қабул қилди.

Мамлакатимиз Президенти Ўзбекистоннинг халқаро молиявий ташкилотлар ва институтлар, хусусан, Жаҳон банки билан ҳамкорлиги яхши натижалар бераётганини айтди. Жумладан, Жаҳон банки билан ҳамкорликда амалга оширилаётган дастурлар иқтисодий ислоҳотлар муваффақиятини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда, деб таъкидлади у.

Парвез Ҳасан Ўзбекистон билан Жаҳон банки ўртасидаги ҳамкорлик тобора кенгайиб бораётганини эътироф этди. Айни пайтда Жаҳон банки Ўзбекистонга молиявий кўмак бериш билан чекланиб қолмай, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш йўлида яқин ҳамкорлик қилишни режалаштирмоқда, деди у.



*СУРАТДА: қабул пайти.* *Р. Жуманиёзов (ЎзА) олган сурат.*

Суҳбат чоғида Жаҳон банки билан ҳамкорликнинг илк натижалари ва унинг истиқболи хусусида фикрлашиб олинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Марказий банки бошқарувининг раиси Ф. Муллажонов иштирок этди.

(ЎзА).

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

## БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИ ҚАЙТА ТИКЛАШДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИШТИРОКИНИ АВЖ ОЛДИРИШ ВА РЕСПУБЛИКАДА ХАЛҚАРО ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ғоят муҳим халқаро туризм йўналиши — Буюк ипак йўлини қайта тиклаш, хорижий сайёҳларни кенг жалб этиш, шунингдек мамлакатда замонавий туризм саноатини вужудга келтириш мақсадида:

1. Буюк ипак йўлидаги шаҳарлар — Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкентда халқаро туризм бўйича махсус очиқ иқтисодий минтақалар ташкил қилинсин.

2. Мазкур шаҳарларнинг аэропортлари ва темирйўл вокзалларида хорижий сайёҳлар учун божхона расм-русмларининг халқаро меъёрларга мос соддалаштирилган тартиби, шунингдек транзит сайёҳлар учун махсус божхона зоналари жорий қилинсин.

3. Мазкур шаҳарларда янги ташкил қилинадиган сайёҳлик ташкилотлари ва корхоналари барпо этилган пайтдан бошлаб дастлабки фойдани олгунга қадар ўтадиган даврда, лекин рўйхатга олинган санадан кейин узоғи билан уч йил мобайнида барча турдаги солиқлардан озод қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, мазкур ташкилотлар ва корхоналар фойда (даромад) олган биринчи йили фойда (даромад) солиғининг 50 фоизини, иккинчи йили — 75 фоизини, учинчи йилдан бошлаб — 100 фоизини тўлайдилар.

4. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкентда туризм соҳасида қўшма корхоналар барпо этувчи хорижий сармоядорлар, илгари берилган имтиёзларга қўшимча равишда, олиб чиқиб кетиладиган фойдадан 5 йил муддатгача солиқ тўлашдан озод қилинсин.

5. Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги икки ой муддат ичида хорижий сайёҳлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган объектлардан ташқари республиканинг бутун ҳудудида амал қилувчи ягона визани ўрнатсин.

6. Тижорат банкларига тадбиркорлар хусусий меҳмонларни ва меҳмонхона инфраструктураси иншоотларини барпо этишлари чоғида уларга камида беш йил муддат ичида тўлаш шарти билан кредитлар бериш тавсия қилинсин.

7. «Ўзбектуризм» миллий компанияси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан биргаликда инвестиция банки — «Ўзсаёҳатинвестбанк»ни ташкил қилсин ва жамланаётган маблағлар қатъиян аниқ мақсад йўлида фойдаланилиши устидан назоратни таъминласин.

Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки ва Молия вазирлиги 15 кун муддат ичида «Ўзсаёҳатинвестбанк»нинг устав жамғармасини шакллантириш манбалари ва уни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги таклифларни киритсинлар.

8. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида туризм бўйича идоралараро кенгаш тузилсин ва қуйидагилар шу кенгаш фаолиятининг асосий вазифалари қилиб белгилансин:

туризм соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш;

жаҳон андозалари даражасида кичик ва ўрта меҳмонхоналар, мотеллар ва кемпинглар тармоғи шакллантирилишини мувофиқлаштириш;

сайр-томошалар замонавий индустриясини, маданий ва спорт-соғломлаштириш марказларини барпо этишга кўмаклашиш;

ноёб туризм имкониятлари ва тарихий-маданий мерос кенг кўламда тарғиб қилиниши ва сақланишини ташкил этиш;

сайёҳлик тизимида мувофиқлаштирилган илмий-техникавий ва инвестиция сиёсатини ўтказиш;

сайёҳлик соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни таъминлаш.

9. «Ўзбектуризм» миллий компанияси, Маданият ишлари вазирлиги, Фанлар академияси, Ёдгорликларни муҳофаза қилиш республика жамияти манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда Буюк ипак йўлида кўҳна шаҳарларда жойлашган меъморий, археологик, тарихий ва маданий ёдгорликларни қайта тиклаш, ободонлаштириш ҳамда фойдаланиш бўйича миллий «Мерос» дастури лойиҳасини икки ой муддат ичида ишлаб чиқсинлар ва идоралараро кенгаш муҳокамасига тақдим этсинлар.

10. Халқаро туризмни ривожлантириш билан боғлиқ барча масалаларнинг ўз вақтида ҳал этилиши учун шахсий жавобгарлик «Ўзбектуризм», «Ўзбекистон ҳаво йўллари», «Ўзбекистон темир йўллари» компанияларининг, Ички ишлар вазирлигининг, Ташқи ишлар вазирлигининг, чегара ва божхона хизматларининг раҳбарлари зиммасига юклансин.

11. Адлия вазирлиги қонунларга мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиб, тақдим этсин.

12. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддат ичида ушбу Фармонни ижро этиш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 2 июнь.

## «ТО» БУГУНГИ КУН «ТО» НАФАСИ

### МАМЛАКАТИМИЗДА

❑ Вазирлар Маҳкамаси «1995 йилнинг биринчи чораги дастурининг бажарилиши ва биринчи ярим йилликда ислоҳотларнинг кутилаётган якунлари тўғрисида» қарор қабул қилди.

❑ Бухоро вилояти пиллакорлари давлат омборларига 2132 тонна қимматбаҳо хом ашё топшириб, режани уддаладилар. Вилоятда яна 170 тонна пилла тайёрлаш мўлжалланмоқда.

❑ Бош вазир ўринбосари Юрий Пайгин Молдова Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Николай Дудэуни унинг илтимосига биноан қабул қилди. Учрашувда икки давлат ўртасида имзоланган битимларни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

❑ Тошкентнинг «Боғи Эрам» маданият ва истироҳат боғида «Истеъдод-95» замонавий қўшиқ ижрочиларининг республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда ушбу танловнинг Қорақалпоғистон ва вилоятларда бўлиб ўтган биринчи даври ғолиблари — қарийб 150 нафар хонанда иштирок этди.

❑ Тошкентда алоқа соҳасида минтақавий ҳамкорлик қилиш бўйича кенгашнинг 13-мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ҳамдўстлик мамлакатларининг алоқа соҳасидаги раҳбарлари билан бир қаторда Болтиқ давлатлари, Туркия, Покистон, Германиядан ҳам вакиллар иштирок этдилар. Мажлис қатнашчилари Германиянинг «Дойче Телеком» мутахассислари томонидан ташкил этилган семинарда ҳам иштирок этиб, бу мамлакат шарқий қисми алоқасини ривожлантириш соҳасидаги тажрибалар билан танишдилар.

### ҲАМДЎСТЛИКДА

❑ Нефтегорскда бугунгача вайроналар остидан ҳалок бўлган 1100 киши топилди.

❑ Россия федерал қўшинлари Чеченистоннинг тоғли ҳудудларида Жохар Дудаев жангариларига қарши ҳужумни давом эттирмоқдалар. Улар дудаевчиларнинг бу ердаги асосий мустаҳкамланган иншооти — Ведено қишлоғини ҳам қўлга киритдилар.

❑ Жохар Дудаевнинг Россия билан музокаралардаги вакили Усмон Имаев Москва билан музокараларини тўхтатганликларини ва Чеченистон можаросини БМТ Хавфсизлик Кенгашида кўриб чиқилишини талаб қилишларини баён этди. Айни пайтда эса Санкт-Петербург мэри Анатолий Собчак Жохар Дудаев вакиллари билан алоқаларини давом эттирмоқда.

❑ Бойқўнғир космодроми ишга тушганига 40 йил тўлди. Ушбу сана муносабати билан бу ердаги Ленинск шаҳрида ҳарбий парад, меҳнаткашлар намойиши ўтказилди.

❑ Россияда кейинги беш йил ичида ўсмирлар ўртасида жиноятчилик 1,5 бараварга кўпайди.

❑ Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича ташкилотнинг Тоғли Қорабоғ муаммоси бўйича Озарбайжон билан Арманистон ўртасидаги музокараларни давом эттиришга барча уринишлари натижа бермади. Маълумки, бундан икки ҳафта илгари Арманистон Озарбайжонни Грузия ҳудудида Арманистонга газ борадиган қувурни портлатишда айблаб музокараларни тарк этган эди.

❑ Жаҳон банки Қирғизистонга мамлакат молиявий соҳасини қайта ташкил этиш учун 45 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратди.

❑ Украина Ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасидаги божхона иттифоқи тўғрисидаги битимни имзоламаслигини билдирди. Украина Президенти Леонид Кучманинг фикрича, мазкур аҳдлашув мамлакат ички бозорида моллар тақчиллигини юзага келтириши мумкин.

❑ Одессада аҳоли ўртасида ўтказилган сўровлар ҳозирги пайтда ишни битириш учун давлат автомобиль назорати ходимларига 5-15 доллар, туғруқхонада 1,5 минг долларгача, олий ўқув юртига кириш учун эса 1 минг доллардан 10 минг долларгача пора беришни талаб қилишини кўрсатди.

### ХОРИЖДА

❑ Босния серблари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тинчликни сақлаш кучлари сафидаги гаровга олинган ҳарбий хизматчилардан 121 нафарини озод этди. Улар асосан канадалик, швециялик ва франциялик аскар ва зобитлардир.

❑ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти махсус комиссияси мутахассисларининг фикрича, Ироқда ҳозирги пайтда ҳам кимёвий ва биологик қурол-аслаҳа яратиш имкониятлари мавжуддир.

❑ ЮНЕСКО Исроил маъмурларининг Қуддус шаҳри марказий қисмидан ер ости йўловчилар ўтиш жойи қуриш режалари муносабати билан расмий норозилик билдирди. Чунки бу жойда жуда катта тарихий ва маданий қимматга эга бўлган ёдгорликлар мавжуддир.

❑ Африка бирлиги ташкилоти маълумотларига кўра, 2000 йилга бориб 20 миллион нафар африкалик аср ўлати — СПИДга чалиниши мумкин экан.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИНТАҚАВИЙ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Вилоятлар марказларида ташкил этилган олий ўқув юртларида мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш, уларнинг илмий-интеллектуал потенциалини ва моддий техника-базасини мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, тасарруфида олий ўқув юртлари бўлган вазирликлар ва идоралар:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Қишлоқ хўжалиги Фанлари академияси билан биргаликда юқорида қайд этилган олий ўқув юртларига Тошкент шаҳар олий ўқув юртларининг ҳамда академик институтларнинг таниқли олимларини ҳамда юқори малакали ўқитувчиларини педагогик ва илмий фаолиятни олиб бориш учун, доимий ишдаги беш йил мобайнида уларнинг лавозим маошларига 50 фоизгача миқдорда устамалар белгилашни назарда тутган ҳолда, йўлласинлар;

ўқув семестрлари даврида Тошкент шаҳридаги ўқув юртларининг тажрибали профессор ҳамда ўқитувчиларини лекциялар курсларини ўқиш ва фан, техника ҳамда технология янгиликлари билан таништириш мақсадида минтақавий олий ўқув юртларига меҳнат сафарига йўллашни амалда қўлласинлар;

олий ўқув юртларининг илмий-педагогик потенциалидан ва моддий-техника ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида 1995 йил 1 июлгача олий ўқув юртларининг вилоятлардаги филиаллари тармоғи қайта кўриб чиқилсин ва уларни вилоятлар ўқув юртларига факультетлар, ўқув бўлинмалари сифатида беришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар;

Ҳар йили Тошкент шаҳар олий ўқув юртларида вилоятлар олий ўқув юртларида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида аспирантура ва докторантурага йўлланаётганлар учун ўринлар ажратсинлар;

олий ўқув юртлари ҳузурида, уларнинг ўқитувчи-профессорларини жалб қилиб, уларга олий ўқув юртлари ставкалари бўйича меҳнат ҳақи тўлаган ҳолда ихтисослашган коллежлар, гимназиялар, лицейлар ташкил этсинлар;

олий ўқув юртларини ижтимоий ривожлантиришни яхшилаш мақсадида банд бўлмаган хоналарни, таълим ва тарбия ишларига зарар етказмай, шартнома асосида вақтинча ижарага беришга рухсат этсинлар. Олий ўқув юртлари хоналарини ижарага беришдан тушадиган маблағлар, бу маблағлар ўқув жараёнининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга мақсадли йўналтирилган тақдирда, маҳаллий бюджетга солиқ тўлашдан озод этилсин;

олий ўқув юртларига бюджетдан ташқари маблағларини ўқитувчилар ва ходимларни моддий рағбатлантиришга йўллашига рухсат этсинлар;

олий ўқув юртлари ходимларини бюджетдан ташқари ўз маблағлари ҳисобига моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

2. Вилоятлар ҳокимликлари республиканинг етакчи ўқув юртларидан вазирликлар ва идоралар йўлланмалари бўйича келаётган ўқитувчилар ва мутахассисларга турар жойни навбатдан ташқари бериш тартибини белгиласинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамасининг Таълим ва фан бўлимига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси
И. КАРИМОВ.

1995 йил 31 май.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## 1995/96 ЎҚУВ ЙИЛИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ҚАБУЛ ТЎҒРИСИДА

Юқори малакали мутахассислар тайёрлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда олий ўқув юртларининг биринчи курсларига абитуриентларни пухта танлашда ижтимоий адолатни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. 1995/96 ўқув йилида бакалаврлар тайёрлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларига қабул қилишнинг умумий кўрсаткичлари 22250 киши миқдорида тасдиқлансин.

Бир нафар ўқитувчига тўғри келадиган талабалар сонининг норматив нисбати: ўқитишнинг кундузги шакллари бўйича 1:8, кечки шакллари бўйича — 1:15 ва сиртқи шакллари бўйича 1:35 ҳисобидан белгилансин.

Абитуриентларни қабул қилиш, тест усулидаги синов натижасида тўпланган балларни ҳисобга олган ҳолда, рейтинг тизими бўйича ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг кечки ўқитишга қабул қилишни мутахассислар тайёрлашнинг самарасиз шакли сифатида 1995/96-ўқув йилидан бошлаб бекор қилиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Олий ўқув юртларига қабул қилишнинг тасдиқланган кўрсаткичи доирасида талабаларнинг 20 фоизигачасини тест усулидаги синовда қатнашган абитуриентлар ҳисобидан рейтинг тизими бўйича пулли-контрактли асосда, ҳар йили жами ўқитиш харажатларининг 20 фоизи улар томонидан албатта қопланган ҳолда, қабул қилишга рухсат этилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси ўқув юртларига қабул қилишни ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш учун махсус давлат комиссияси тузилсин.

Вазирлар Маҳкамаси зарурат бўлганда ўқув юртларига қабул қилиш давлат комиссияси тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритсин.

4. Вазирликлар ва идоралар ўз тасарруфларидаги олий ўқув юртлари учун, олий ҳунар таълими йўналишлари ва ихтисосликлари бўйича, ўқитиш шакли ва тиллари кўрсатилган ҳолда, белгиланган умумий кўрсаткичлар тақсимотини бир ҳафта муддатда давлат комиссияси тасдиғига киритсинлар.

5. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

Молия вазирлиги, «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси билан биргаликда 1995 йилнинг 1 июлигача ўқитишнинг пулли-контрактли шакли ҳамда тушган маблағларни сарфлаш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасининг тасдиғига тақдим этсин;

олий ўқув юртларининг ихтисосликларини ҳисобга олган ҳолда бакалаврлар ва магистрлар тайёрлаш тўғрисидаги низомларни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

1996/97-ўқув йилидан бошлаб Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртларида ихтисосликлар рўйхати бўйича, республика эҳтиёжидан ва ўқув юртларидаги мавжуд илмий-интелектуал потенциалдан келиб чиққан ҳолда, магистратуралар очиш тўғрисидаги қарор лойиҳасини тайёрласин;

халқаро мулоқотнинг асосий воситалари бўлган чет тилларнинг талабалар томонидан кенг ва жадал ўрганилишини таъминласин. 1995 йилнинг 1 сентябридан бошлаб барча олий ўқув юртларида инглиз, немис, француз тилларини ўрганиш бўйича ихтиёрий машғулотларни жорий этсин, бунда тилларни эгаллашни иқтисодий рағбатлантириш чора-тадбирларини, 1996/97-ўқув йилидан бошлаб эса давлат имтиҳони жорий қилишни назарда тутсин.

Тасарруфида олий ўқув юртлари бўлган бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 10 декабрдаги 594-сон қарорига мувофиқ, «Қизилқумнодирметаллолтин» концерни корхоналарининг ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг буюртманомаларига биноан, ўқитиш харажатларини тўлиқ копланишини назарда тутган ҳолда, улар билан тузилган шартномалар асосида қабул қилишнинг белгиланган сони доирасида рейтинг тизими бўйича, абитуриентларни тест усулида синаш йўли билан мақсадли қабул қилишни амалга оширсин.

6. Ўқув юртларига қабул қилиш давлат комиссиясига корхоналар, концернлар, корпорациялар учун уларнинг буюртманомаларига биноан, ўқитиш харажатларини тўлиқ қоплаш шартлари билан, қабул қилишнинг белгиланган сони доирасида рейтинг тизими бўйича, абитуриентларни тест усулида синаш йўли билан мақсадли қабул қилишни амалга оширсин.

6. Ўқув юртларига қабул қилиш давлат комиссиясига корхоналар, концернлар, корпорациялар учун уларнинг буюртманомаларига биноан, ўқитиш харажатларини тўлиқ қоплаш шартлари билан, қабул қилишнинг белгиланган сони доирасида абитурентларни мақсадли қабул қилишни амалга оширишга рухсат этилсин.

7. Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги барча вилоятларни, шу жумладан, узоқ ва бориш қийин бўлган туманларни ўз тасарруфларидаги олий ўқув юртларини тугатган малакали педагоглар ҳамда врачлар билан тажриба тариқасида кафолатли ва биртекис таъминлаш бўйича таклифларни 10 кун муддатда ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамаси тасдиғига киритсинлар.

8. Молия вазирлиги бюджетнинг дастлабки прогноз кўрсаткичларига 1995/96-ўқув йилида олий ўқув юртларига қабул қилишнинг тасдиқланган умумий кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда тузатишлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари С. Саидқосимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 31 май.

## УКРАИН ҚЎШИҚЛАРИ КЕЧАСИ

Ўзбек ва украин халқлари ўртасидаги азалий дўстликни янада мустаҳкамлашга шаҳримизда фаолият кўрсатаётган «Баткивицина» украин миллий маданият маркази катта ҳисса қўшмоқда. Яқинда «Баҳор» концерт залида бўлиб ўтган украин қўшиқлари кечаси буни яна бир бор исботлади.

Концерт аввалида Украинанинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси В. И. Сметанин сўзга чиқиб, ўзаро алоқаларнинг ривожланаётганлиги ҳақида гапирди. Шунингдек, у Украинани фашист босқинчиларидан озод қилишда қатнашган ўзбек жангчиларининг жасоратига юксак баҳо берди.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.

*Транспорт ва йўловчи*

## МАЪЛУМОТЛАР ЯКУНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНАДИ

**«Оқшом» газетасида хабар бериб ўтилганидек, 18 май куни Тошкентда барча турдаги шаҳар пассажир транспортида йўловчилар оқимини ўрганиш юзасидан тадбир ўтказилди.**

Шу куни бу ишга 10 минг талаба жалб этилди. Улар автобуслар, троллейбуслар ва трамвайларнинг эшиклари олдида туриб йўловчилар оқимини ўргандилар.

Шу куни йўналишларга 1117 та автобус, 295 та трамвай ва 252 та троллейбуслар ишлаш учун чиқарилди. Ана шу транспорт воситалари билан 22 мингдан зиёд рейслар бажарилди.

Ана шу куни давлат уюшмасининг, автотранспорт бирлашмасининг, Тошкент трамвай-троллейбус бошқармасининг, метрополитеннинг масъул раҳбарлари йўловчилар оқимини ўрганиш қандай кетаётганлигини кузатдилар ва зарур бўлган ҳолларда ишни тартибга келтиришга қаратилган чора-тадбирларни белгиладилар.

Тунги соат 1 да йўловчилар оқимини ўрганиш тадбири ниҳоясига етказилди ва ишлатиб бўлинган барча чипталар ҳар бир маршрут бўйича жамланди. Олинган ахборотлар «АСАТ» илмий-тадқиқот институтига юборилди, бу ерда уни электрон-ҳисоблаш машиналари ўрганишга киришди. Бунинг учун, яъни йўловчилар оқимини ўрганиш бўйича тадбир якунларини чиқариш учун камида икки ой талаб этилади.

Шуни айтиш керакки, ушбу тадбир пайтида тўпланган маълумотлар йўловчилар оқими ўрганилишидан олдинги кунлардаги йўловчиларни манзилга элтишнинг амалий ҳажми билан таққосланади. Ушбу тадбир якунларига кўра бир кун мобайнида ҳар соат бўйича ҳар бир йўналишда ҳаракат состави учун қанча миқдорда машиналар зарур бўлишини аниқлаш мумкин. Йўловчиларнинг бекатларда машиналарга чиқиши ва тушиши бўйича маълумотлар асосида уларнинг қайси бири қаерга, қандай масофага борганлигини, рейс давомида йўловчилар қандай алмашганлигини аниқлаш мумкин.

Олинган жадваллар шаҳарнинг маршрут тармоғини қайта кўриб чиқиш, транспортнинг ҳар бир тури ва йўналишида ҳаракат составига қандай русумдаги транспортларга эҳтиёжни аниқлаш имконини беради. Янги автобус, трамвай ва троллейбус саройларини лойиҳалаштириш бўйича, электр транспорти ва метрополитеннинг янги линияларини лойиҳалаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш бошланади. Шунингдек, янги кўчалар ва шаҳар йўлларини қуриш, ҳаракатни тартибга солиб турадиган светофорлар ишини кўриб чиқиш бўйича тавсияномалар ҳам билдирилади.

Транспортнинг «тиғиз» пайтида йўловчиларни манзилга элтиш ҳажми бўйича олинган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда шаҳардаги корхоналар ва ташкилотларнинг ишни бошлаш вақтини қайта кўриб чиқиш ва бўлиб-бўлиб жойлаштириш тўғрисидаги таклифларни қараб чиқиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Ушбу тадбир пайтида олинган маълумотлар транспорт иш режимини қайта кўриб чиқиш, маршрутларда ҳар соатда қанча даромад олинганлиги, йўл ҳақи учун пул тўлаш тизими транспорт тармоғи тараққиёти билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиш учун асос бўлади.

Олинган маълумотларни ишлаб чиқиш бўйича ишлар бошлаб юборилди, бу юмушга қўшимча равишда электрон-ҳисоблаш машиналарининг 10 та оператори жалб этилди.

«Оқшом» газетаси муштарийлари йўловчилар оқимини ўрганиш натижаларидан албатта хабардор бўладилар.

Юсуф ҚОДИРОВ.

*Туркистон — умумий уйимиз*

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ ОЛИМПИАДАСИ

Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия комитетида шу йилнинг 2 сентябридан 8 сентябригача пойтахтимизда Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида ўтказиладиган олимпиада ўйинларига бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия комитетининг президенти Собир Рўзиев олиб борди.

Матбуот конференциясида Қозоғистон Миллий олимпия комитетининг президенти Аманча Аклаев, Қирғизистон Миллий олимпия комитетининг президенти Эшим Қутманалиев, Тожикистон Миллий олимпия комитетининг бош котиби Ширинжон Маматсафоев, Туркманистон Миллий олимпия комитетининг вице-президенти Нурали Отаев матбуот ходимларининг саволларига атрофлича жавоб беришди.

Илк бор ўтказилаётган бундай беллашувда иштирокчилар спортнинг 12 тури, аниқроғи волейбол, баскетбол (эркаклар, аёллар), бокс, оғир атлетика, енгил атлетика, эркин кураш, юнон-рум кураши, велошоссе (эркаклар, аёллар), теннис, қиличбозлик, камондан отиш ва сузиш бўйича куч синашадилар. Унда жами 248 спортчи иштирок этиши мўлжалланмоқда. Мусобақалар асосан Марказий Армия спорт клуби, «Алпомиш» спорт саройи, «Пахтакор» спорт комплекси, «Ёшлик» спорт аренаси, «Юнусобод» теннис корти ва бошқа жойларда бўлиб ўтади.

Беш мамлакат спорт жамоалари ўртасида фақат Ўзбекистон вакилларигина 12 спорт турининг барчасида тўла иштирок этишади. Мусобақалар якуни умумжамоа ҳисобида эмас, балки шахсий ютуқ ва кўрсаткичлар натижасига кўра қайд этилади. Чунки олимпиада ўтказишдан асосий мақсад ғолибликка интилиш эмас, балки тажриба алмашиш, ўзаро дўстлик, биродарлик алоқаларини мустаҳкамлашдир. Бу тадбир кейинчалик анъанага айланиб, ҳар икки йилда навбат билан қўшни мамлакат спорт майдонларида ўтказилади.

Абдумалик
АБДУРАҲМОНОВ.

*Футбол*

## ПЕШҚАДАМ ҚОҚИЛДИ

Ўтган куни республика IV миллий чемпионатининг навбатдаги 11-тур ўйинлари бўлиб ўтди. 1995 йил 3 июнь «Наврўз» — «Нефтчи» учрашуви кўплаб мухлислар ва фарғоналик футболчиларнинг хотирасида узоқ сақланиб қолса керак. Бу ўйинда мамлакатимизнинг уч карра чемпиони, 1993 йилдан буён бўлиб ўтган 46 та учрашувда фақат ғолиблик гаштини суриб келаётган Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси илк бор мағлубият аламини тортди. Ҳисоб — 2:0.

Кеча бўлиб ўтган «Пахтакор» — МҲСК учрашувини ҳам мухлислар жуда орзиқиб кутган эдилар. Негаки, ушбу ўйин иккала жамоа учун ҳам турнир жадвалида янада «юқорилаш» ва мавқеларини мустаҳкамлаш учун муҳим аҳамиятга эга эди. Маълумки, МҲСК 20 очко билан тўртинчи, «Пахтакор» эса 18 очко билан бешинчи ўринни банд этишганди. Иккала жамоа ҳам майдонга албатта, фақат ғалаба учун тушганликлари шубҳасиз, бироқ тенг курашлар остида ўтган биринчи таймда ҳисоб очилмади. 2-таймнинг 28-дақиқасида пахтакорчи Дилмурод Назаровнинг киритган тўпини мухлислар узоқ олқишладилар. Бироқ, кўп ўтмай 33-дақиқада армиячи Ойбек Усмонхўжаев ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлди. Шундай қилиб, 1:1 ҳисобида дуранг натижа қайд этилди. Айтиш керакки, ўтган 10-турдаги «Навбаҳор» — «Пахтакор» учрашувида пахтакорчилар 0:1 ҳисобида мағлубият аламини тортган эдилар.

Ўтган куни бўлиб ўтган бошқа учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди:

«Сўғдиёна» — «Динамо» — 2:0.
«Политотдел» — «Темирйўлчи» — 4:0.
«Трактор» — «Навбаҳор» — 1:1.
АСК — «Нурафшон» — 0:3.
«Янгиер» — «Машъал» — 4:0.
«Атласчи» — «Чирчиқ» — 1:1.

Ўткиржон ДЎСТ МУРОД.

